



# INTELLEKT



2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

ИЖТИМОЙ-ТАЪЛИМИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 15-iyul № 13(21) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

## МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР

Ортиқ Султонов янги лавозимга тайинланганидан сўнг илк бор анжуманда иштирок этди

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият бошқармаси томонидан "Маданият марказларида ташкил этилган тўғараклар фаолияти ҳамда ўтказилаётган тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.



Тадбирни вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Манноб Ибодуллоев кириш сўзи билан бошлаб берди. Шундан сўнг вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Хўжакул Муҳаммадиев ҳамда Самарқанд шаҳар маданият бўлими мудири Ортиқ Султоновлар сўзга чиқишиб, айни мавзу юзасидан атрафлича маълумот беришди.

Маълум қилинишича, Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият бошқармаси тасарруфидида 78 та маданият марказлари, 1 та Самарқанд итисослаштирилган санъат мактаби, 32 та Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 4 та театр, "Ўзбекконцерт" ДМ Самарқанд вилоят бўлими, Ўзбекистон давлат филармония-

си Самарқанд вилоят бўлими, вилоят Маданият бошқармаси қошидаги "Маком" намунали халқ ансамбли, 16 та маданият ва истироҳат боғлари, 1 та вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси, 16 та шаҳар ва туман маданият бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

2021 йилда Самарқанд вилоятидаги 16 та шаҳар ва туман маданият бўлимларига қарашли 78 та маданият марказларида 18 хилдаги 484 та тўғарак ташкил қилинган бўлиб, мазкур тўғаракларга 5760 нафар хаваскорлар қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири О. Назарбековнинг Самарқанд вилоятига ташири давомида ҳар бир маданият марказлари томонидан икитадан маҳаллада тўғараклар ташкил қилиниши белгилаб берилди ҳамда мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 78 та маданият марказлари томонидан вилоятимиздаги 156 та маҳалларда 30 турдаги тўғараклар ташкил қилиниб, 1400 нафардан ортиқ ёшларни қамраб олинган.

Маданият марказларида ташкил этилган 6 та унвонга эга халқ драма театрлари томонидан "Алпомишнинг қайтиши" драматси, "Бўлингани бўри ер", "Шум бола ўзга сайёрада", "Сеҳрли тош", "Самар ва Қанд" (М. Халил), "Ур тўқмоқ (ўзбек халқ эртеги)", "Дадавий дангаса" (Л. Махмудов), "Бизнинг Қорбобо", "Сумалак



сайли" "Зумрад ва Қиммат" каби саҳна асарлари сахналаштирилиб, маҳалларда турли ёшдаги томошабинларга намойиш этиб келинади.

Вилоятда бугунги кунда 32 та Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган 14 та йўналишда 8331 нафар ўқувчи тахсил олишади.

Шунингдек, Самарқанд шаҳар маданият бўлими тасарруфидида 6 та Маданият марказлари мавжуд бўлиб, уларда жами 98 нафар ходимлар фаолият олиб боришади.

Бугунги кунда маданият марказларида 58 та маданият ва санъат йўналишларида тўғараклар мавжуд бўлиб, уларга 780 нафар хаваскорлар жалб этилган. 7 та халқ ва намунали унвон-

га эга бадий хаваскорлик жамоалари мавжуд, уларда 131 нафар хаваскорлар иштирок этишади.

Янги ўқув йили бошланиши билан ёшларни бўш вақтларини мазмунли ҳамда уларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида шаҳарда мавжуд 82 та умумтаълим мактабларининг 10 тасида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 264-сонли қарори билан тасдиқланган маданият ва санъат соҳасига оид 10 та тўғаракларни ташкил этиш ҳамда 12 та бадий хаваскорлик жамоаларининг концерт дастурларини ташкил этиш режалаштирилган.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган ушбу матбуот анжуманида мутасаддилар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз.

2021-2022 йилларда Самарқанд вилоятида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қиймати 30 триллион 415 миллиард сўмлик 1 минг 279 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, вилоятда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, хорижга тайёр махсулотлар экспортини амалга ошириш жараёнида божхона органлари тадбиркорлик субъектларига яқиндан кўмак бериб келмоқда.

## БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Масалан, 2021 йилнинг 1- ярим йиллиги давомида Самарқанд вилояти божхона бошқармаси томонидан хориждан импорт қилинган товарларга қонунчиликда белгиланган ставкалар асосида жами 1 419,68 миллиард сўм божхона тўловлари ҳисобланган бўлса, шундан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 553,66 миллиард сўм ёки ҳисобланган божхона тўловларининг 38,9 фоизи миқдорда имтиёзлар қўланилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудидида фаолият кўрсатувчи тадбиркорларга ўтган давр мобайнида жами 42 та ҳолатда 185,73 миллиард сўм миқдордаги божхона тўловларини кечиктириб тўлашга рухсат берилди. Самарқанд вилоятининг ташқи савдо айланмаси 2021 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 758,31 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Кувонарлиси шундаки, коронавирус пандемиясининг иқтисодийга ўтказишга салбий таъсирига қарамай, вилоятнинг экспорт бўйича кўрсаткичлари тобора ошиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, 2020 йилнинг шу даврида 132,34 миллион АҚШ доллари қийматидаги товарлар хориж бозорига йўл олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 54,61 миллион АҚШ доллари ёки - 41,2 фоизга кўпайиб, 186,95 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Экспорт қилинган товарлар асосан:  
— тўқимачилик махсулотлари - 47,7 миллион АҚШ доллар ёки 25,5%;  
— мева-сабзавот махсулотлари - 46,7 миллион АҚШ доллар ёки 25,0%;  
— калава ип - 19,1 миллион АҚШ доллар ёки 10,2%;  
— транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари - 17,3 миллион АҚШ доллар ёки 9,2%;  
— озиқ-овқат махсулотлари - 15,2 миллион АҚШ доллар ёки 8,2%;  
— ҳайвонлар учун озуқалар (майдаланмаган дондан ташқари) - 9,9 миллион АҚШ доллар ёки 5,3%;  
— металллар ва улардан тайёрланган буюмлар - 6,4 миллион АҚШ доллар ёки 3,4%;  
— бошқа товарлар - 24,7 миллион АҚШ доллар ёки 13,2% ни ташкил этади.

(Давоми 2-бетда) >>>



Юртимизнинг бой тарихи, маданияти, урф-одатлари, бебаҳо табииат мудом дунё ахлини ўзига ром этиб келган. Жаҳон халқлари бу каби сўлим гўшаларни доим қўришга, унинг жоизабасидан баҳраманд бўлишга интилиб яшайди. Ана шундай туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги "Терсак" маҳалласида бир йўла 25 та меҳмон уйлари иш бошлади.

## МЕҲМОН УЙЛАРИ ОЧИЛДИ

Терсак қишлоғи Ургутнинг пурвиқор тоғлари бағрида жойлашган бўлиб, ўзининг ноёб табииати, шу ерда истиқомат қилувчиларнинг ўзига хос қадриятлари, меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам бу ерда туризмни ривожлантириш учун имкониятлар катта. Шундан келиб чиқиб, мазкур қишлоқни туризм қишлоғига айлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Қуни кеча эса қишлоқ ҳудудидида 25 та оилавий меҳмон уйларига Вазирлар Маҳкамасининг "Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида" ги қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида реестрдан кўчирмалар тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, ташкил этилган оилавий меҳмон уйлари бир вақтининг ўзидида 250 нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жойлаштириш имкониятига эга. Мазкур ҳудуднинг

ўзига хос табииати, шаршара ва сойлари атрофида, тоғ ён-бағрларида дам олиш масканлари ташкил этилган бўлиб сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлариغا хизмат қилади. Мазкур қишлоқда тоғ туризми йўналишида 4 та гид экскурсоводлар фаолият юритади. Худудга ташир буюрган сайёҳларни тоғ туризми йўналишида пиёда, от ва бошқа уловларда сайр қилдириш, қишлоқнинг ўзига хос табииати билан таништириш имкониятлари яратилган.

Самарқанд вилояти туризм ва спорт бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, ташкил этилган оилавий меҳмон уйларида 25 та хонадонда 52 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Келгусида уларнинг хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича малакалари доимий равишда ошириб борилади.

Ўз мухбиримиз.

## ЮҚОРИ СИФАТ ҲАР ҚАНДАЙ КОРХОНА ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ


Мамлакатимизда иқтисодий ҳар томонлама ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва янги иш ўринлари очиб орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган алоҳида эътибор сабаб узок ва олис туманлар иқтисодий ҳам кун сайин тараққий этиб, обод масканларга айланиб бормоқда.

Иштихон Самарқанд вилоятининг энг йирик туманларидан бири саналади. Авваллари фақат пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган мазкур туманда кейинги уч йил ичида саноатнинг барча тармоқлари жадал ривожланиб, янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил қилиниб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Хусусан, туманда кейинги йилларда пахта тўқимачилик саноати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жорий қилинган пахта ҳомашесини етиштириш ва қайта ишлашнинг замонавий шакли - клас-

тер тизими бугун амалда ўзининг ижобий самарасини беришни бошлади. Кластер корхоналарида илгари фақат калава ип ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлса, эндиликда ҳомашэ корхоналарнинг ўзида қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр махсулот ҳолига келтирилмоқда Янги иш ўринлари очилиб, корхоналарнинг экспорт салоҳияти юксалаётди.

Иштихон туманида ташкил



қилинган "Мароқанд сифат текстил" масъулияти чекланган жамияти томонидан бугунги кунда туманда етиштириладиган пахта ҳосилини экиб, парваришлаб, уни қайта ишлаш ва махсулот тайёрлаш, уни экспортга йўналтиришга бўлган жараён тўлиқ амалга оширилиши йўлга қуйилган. Бу эса ўзи-

нинг юқори самарасини кўрсатмоқда.

Жамият қошида ташкил қилинган ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган пахтачилик кластерида етиштирилган ҳосил қайта ишланмоқда. Корхонада йилга 10 минг тонна ип калава ишлаб чиқарилишига эришилди. Шунингдек, қисқа муддат ичида очик ер майдонида ташкил қилинган ушбу корхонада бугун 600 нафарга яқин иштирокчи йигит-қизларнинг иш билан бандлиги таъминланган. Қайси бир ишчи билан сўбатлашманг ўз қишлоғида, уйи яқинида мана шундай йирик корхона ташкил бўлганидан, ҳаёти ва турмуши ижобий томонга ўзгарганидан мамнун.

(Давоми 4-бетда) >>>

## "МАРАФОНЧА ЮГУРИШ"

ёхуд зинэ таратишга йўғрилган умр

Инсон умр кечирар экан, том маънода ўзининг ҳаёт китобини сўзма-сўз, саҳифама-саҳифа ёзиб бораверади. Бунинг бошқа китоблардан фарқи - унинг барча саҳифалари бир хил рангда эмаслигида. Баъзилари оқ рангда бўлиб, инсоннинг бахт ва шодликка тўла кунларини ўзида мужассам этса, бошқалари тўқ ранглири, яъни ҳаёт машаққатлари-ю, бахтли саҳифаларини очиб йўлидаги қийинчиликларни акс эттиради. Ушбу китобнинг зарҳал ҳарфлар ила битилмоққа лойиқ саҳифаларига етмоқлик учун эса, йиллар давомида сабр ва матонат билан тинимсиз ҳаракатда бўлмоқ талаб этилади.

Мана шундай ҳам машаққатли, ҳам шарафли ва бахтли кунларни бошдан ўтказган, босиб ўтган умр йўли ва тажрибалари барчамиз учун ўрнатқ бўладиган, ўз ижод наъмуналари билан неча-неча ўқувчилар қалбини туб-тубидан жой олишга эришган, умр китобининг ҳар бир саҳифасини маҳорат билан ёзаётган таникли ёзувчи, публицист, журналист Каримберди Тўрамурад бугунги кун журналисти ва ижодкорлари учун нафақат устоз, балки илм-маърифат ва тарбия бодаида барча ёшларимизга ибратдир.

Каримберди Тўрамурад "Гунг қиз", "Синфдошлари йўқ одам", "Худоёров йигитлари", "Жийда гули", "Дилжироқ", "Майда безори қария" сингари ўқувчилар севиб ўқийдиган китоблари билан адабиёт оламидан янада бойишига ўз ҳиссасини қўшди. Ёзувчи "Ота",

"Чақмоқ", "Сабринисо" каби фильмлар ва "Жийда гули" телесериали сценарийси муаллифи ҳамдир.

Таникли ёзувчи яқинда ўзининг янги китобини ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. "Марафонча югуриш" деб номланган ушбу китоб умрини таълим-тарбия, адабиёт ва маърифатга бағишлаган ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нусрат Раҳматнинг жамият ва сермазмун ҳаёт ҳақидаги фалсафий ҳамда теран фикр-мулоҳазалари, унинг барчамизга ибрат ва намуна бўлишга лойиқ ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Китобхонларга тақдим қилинган мазкур янги китоб устоз-шоғирд ўртасидаги адабиёт, шеъринг, журналистика, ҳикоячилик, бундан ташқари, жамият, ҳаёт ҳамда умрнинг мазмуни тўғрисидаги сўбатларни ўзида жамлаган.

Адабиёт ҳамда журналистика-нинг забардаст вакиллари билан бўлган Нусрат Раҳматнинг истеъдод соҳибининг ҳаёт йўлини ёритиш, унинг ижод йўлида чеккан машаққатлари-ю заҳматларини ўқувчига етказиш, бугунги кун китобхонлари Нусрат Раҳматни қайтадан кашф қилишлари йўлида қамарбаста бўлишдек маъсулиятли вазифани зиммасига олган ёзувчи Каримберди Тўрамурад "Марафонча югуриш" китобидида устоз ҳамда шоғирд ўртасидаги бир-биридан қизиқарли ҳамда сермазмун сўбатларни жамлаган.

Бундан ташқари, китобдан Нусрат Раҳматнинг болалик ҳамда ёшлик хотиралари, ижод йўлида чеккан заҳматлари-ю, бугунги дорилмомон кунларга етиб келгунга қадар сабот ва матонат билан босиб ўтган умр йўли ҳақидаги ҳикоялар ҳам ўрин олган. Ушбу китоб



барчамиз учун ҳаёт сўқмоғидан ўтишда мувозанатни йўқотмаслик бодаида маҳорат дарси бўлиши, шубҳасиз. Китобни мутлола қилиб, бизнинг сўзларимиз нечоғлик ҳақиқат эканлигига ўзингиз шохид бўлишингиз мумкин.

Бугунги кун журналистлари ва бутун Ўзбекистон ёшларига намуна бўла оладиган, адабиётимиз дурдоналари янада кўпайишига ўзининг муносиби ҳиссасини қўшаётган мана шундай истеъдодлари бор экан, ўзбек адабиёти ва публицистикасининг мавқеийи кундан кунга ортиб бораверади.

Ваҳобжон АВАЗОВ.

Ёшлар юрт келажиги. Улар тарбиясига ҳар бир киши эътиборли бўлмоғи, тўғри йўлни топишлари йўлида кўмаклашмоғи лозим. Бу борада эса ёши улуг, кекса ва нурунийларнинг бой ҳаётий тажрибасига таяниш, уларнинг маслаҳат ва ўғитларига амал қилиш яхши қадриятларимиздандир.

## ҲАР БИР НУРОНИЙ — БЕШ НАФАР ЁШГА МУРАББИЙ

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 январ кунини ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада қатор вазифа топшириқ, кўрсатмалар берилган эди. Жумладан, 2021 йил март ойидан бошлаб ҳудудларда "Ҳар бир нуруний - беш нафар ёшга мураббий" тамойили асосида ҳар бир маҳалладан 5 нафардан тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюлмаган, ишсиз ёшларни 1 нурунийга бириктириш бўйича янги тизим жорий этилиши таъкидланганди. Мана тўрт ойдан ортиқ вақт давомида олиб борилган ишлар бугун ўз самарасини берди. Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани мисолида сўзимизни давом эттирадиган бўлсак, бугун туман нурунийлар масканида кекса нуруний отахон ва онахонлар учун барча қулайликлар яратилган. Ақл машғу-

лотли ҳисобланган шахмат-шашка, спорт-соғломлаштириш, мутлола ва тиббиёт хоналари улар ихтиёрида.

Ободлик ва тараққиётга юз тутатган, ёшлари ҳар жаҳода ўз иқтисодини намойён этиб, ўсиб бораётган мазкур ҳудуднинг нуруний отахон ва онахонлари ҳам мана тўрт ойдирки мураббий сифатидаги тажрибалари, эзгу ташаббуслари билан ўртолқлашиб келишмоқда.

Нарпай тумани Ўзбекистон маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фахрий ўқитувчи, 65 ёшли Бозор Ҳасанов ҳам 5 нафар ёшларга мураббийлик қилиб келмоқда. Отахоннинг бой ҳаётий тажрибаси, хусусан, деҳқончилик борасидаги илми боис 21 ёшли Кувончбек Нарзуллаев бугун ўзига ажратилган 25 сотих ердан яхшигина даромад олмақда.

(Давоми 2-бетда) >>>

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

« (Давоми. Бошланиши 1-бетда)



Хисобот даврида жами 25 078 та электрон шаклда БЮД расмийлаштирилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 102 тага ёки 32,2 фоизга кўп БЮД расмийлаштирилган. Жорий йилнинг 1-ярим йиллиги давомида вилот-яда рўйхатдан ўтган 178 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан томонидан қиймати 27,9 млн. АҚШ долларлик асбоб-ускуналар олиб кири-

либ, "эркин муомалага чиқариш" (импорт) божхона режими расмийлаштирилган ва божхона тўловларидан 39,7 миллиард сўм имтиёзлар қўлланилган. Хисобот даври давомида Хавфни бошқариш тизими орқали жами 25 121 та божхона юк декларациялари тегишли "яшил", "сарик", "қизил" йўлақларга тақсими бўлиб, қисқа вақт мобайнида расмийлаштирилишига эришилган. Ўтган давр мобайнида вилот-яда божхона бошқармаси томонидан жами 350 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, улар бўйича 10 миллиард 448,6 миллион сўмлик товарлар ушлаб қолинган, уларга 23 миллиард 990,5 миллион сўм божхона тўловлари ҳисобланган. Ушбу даврда 17 та жиноят иши қўзғатилган. Контрабандага қарши курашиш борасида 59 та ҳолатда 1051,90 грамм героин, 4814,49 грамм опий, 8057,95 грамм гашиш, 570,49 грамм марихуана, 3 туп каннабис ўсимлиги, 7

дона кучли таъсир қилувчи таблетка аниқланган. Шунингдек, 3460 килограмм рангли металл ва қора металл маҳсулотлари, 6 миллион 490 минг сўмлик пахта ёғи ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мўйжувоз, 4 та ов қуроли ясаш учун мосламалар ҳамда 75 дона гильза, 124 миллион 976 минг сўмлик биологик актив қўшимчалар, 3,050 миллион сўмлик 500 литр дизель ёнилғиси, 2,5 миллион сўмлик пиротехника воситалари, 1412 қути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланувининг олди олинган. 2021 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида вилот божхона бошқармасига жисмоний шахслардан 26 та ҳамда юридик шахслардан 22 та ёзма мурожаатлар келиб тушган.

Яқуб МИРЗАРАХИМОВ, Самарқанд вилоти божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги.

« (Давоми. Бошланиши 1-бетда) Мураббийнинг йўл-йўриқ ва кўрсатмалари боис 19 ёшли Нормурод Нажмиддинов бугун томорқасининг 10 сотихида қарам, 2 сотихида гул кўчатлари етиштириб келмоқда. Қарийб 2 мингта гул кўчатлари бугун кўзни қувнатлади. Унинг ҳовлисидида етиш-

мехнатларининг маҳсули. Пахтачи тумани Нурунийлар масканида ҳам "Ҳар бир нуруний - беш нафар ёшга мураббий" тамоили асосида олиб борилаётган ишлар тез-тез тахлил этилиб, фикр алмашилиб туради. Шунингдек, отахон ва онахонлар билан мураббийларни янада бойитиш, ақли-нари чархлаш, саломатлигини тик-

этилган. Ажрим ёқасидида, нотинч ва муаммоли оилалар, уюшмаган ёшлар, ишсиз фуқаролар билан доимий равишда иш олиб бориш амалиёти шакланган. Амир Темир маҳалласида истиқомат қилувчи, маҳалланинг фаол онахонларидан бири бўлган Махфират Утанова айни кунларда беш нафар ишсиз хотин-қиз-

шев каби 5 нафар ёшларга эса Жўракул Нарзуллаев мураббийлиги қилиб келмоқда. Паррандачилик борасида ҳали етарлича тажрибага эга бўлмаган Шахзодга кўрсатилган йўл-йўриқ бугун ўз самарасини бермоқда. "Ҳар бир нуруний - беш нафар ёшга мураббий". Ҳа, бугун бу тамоилнинг амалдаги нати-

ҲАР БИР НУРОНИЙ — БЕШ НАФАР ЁШГА МУРАББИЙ

тирилган қарамдан ҳам яхшигина даромад мўлжалланмоқда. Ҳа айтганда, ишқомлардаги узумлар айни вақтда ширага кирган. Мураббий Бозор Ҳасановнинг узум парварчилиги борасидаги тажрибаси боис яхшигина ҳосил олиш мумкин. Бу йил биринчи марта ҳосил олинапти. Вақтида берилган эътибор, амал қилинган ўғитлар самараси кўриб турганингиздек ёшларни эзгу ташаббусларга чорламоқда. Дилшод Йўлдошевга маҳалла марказида аҳолига компьютер хизматларини кўрсатиши учун жой ва кредит олишида кўмаклашилди. Жўрабек Эсанов эса сартарошлик фаолиятини бошлади. Охунжон Товмуродовнинг эса автомибилларни таъмирлаш устанасида фаолият олиб бориши, яхшигина даромад топиши ҳам мураббий



лаш учун мазкур даргоҳга тез-тез ташриф буюрилади. Қарийб 14 минг нафарга яқин нурунийлар истиқомат қилаётган туманда нурунийлар жамоатчилиги кенгаши аъзолари томонидан турли кўрик-танловлар ҳам ўтказиб борилади. 59 та маҳаллада "Бувижонлар мактаби" ташкил

ларга мураббийлик қилиб келмоқда. Ҳаракатлари чакон, ниғоҳлар ўткир, ақли те-ран онахон биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатди, хонадонидида тикувчилик цехини ташкил қилди, шогирдларига бош-қош бўлди. Қўлидаги гулдек хунарини ўргатишни бошлади. Бу борада қуроқчилик, ўйинчоқлар асаш, тикувчилик ҳамда заргарлик борасида тажрибасининг борлиги эса айни муддао бўлди. Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи 21 ёшли Шахзод Йўдо-

жаларининг гувоҳи бўлиб туриб-миз. Хонадонларимиз фаришталари дея эъзозланадиган, ҳар бир юмушда кўмакчи ва маслакдош, дуоғўйларимиз бугун ёшлар тарбияси, уларнинг келажаги борасида қайғурмоқда. Бу эса ёшлар ҳаёти, уларнинг тўғри йўл танлаши ва адашмасликлари, берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишлари учун яхшигина амалий кўмак бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари 30 июнь кунини ёшлар билан учрашува ҳам уюшмаган ёшлар билан ишлаш борасида алоҳида топириқлар берган эди. Самарқанд вилотида эса бу ишлар шу йўсинда ти-зимли равишда изчил давом эттирилмоқда.

Шерзод ҚУРБОНОВ.

Мамлакат тараққиётида ҳамда соҳалар ривожидида бугун ёшларнинг ўрни беқийс. Жамиятда ўз ўрнига эга, турли соҳа мутахассисларини тайёрлашда Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан берилаётган таълим, даргоҳда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар бугун эътирофга лойиқ. Айни кунларда олий таълим муассасасининг битирувчи ёшлари тегишли мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистр йўналишларида ўқишни тамомлаб, ўз йўналишлари бўйича ишга жойлашиш арафасида.

Жумладан, психология ва ижтимоий муносабатлар факультетининг психология, социология ва ижтимоий иш йўналишларида 1000 га яқин талабалар таҳсил олишади. Жорий йилда биргина психология йўналишини 77 нафар бакалавр, 20 га яқин магистрлар битирипти.

ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Диссертация мавзуларининг дол-

да. Шу сабабли ҳам диссертация химосяга ташриф буюрган ташкилотлар билимили ҳамда истеъдодли

ПСИХОЛОГИЯ ИНСОН ИЧКИ ДУНЁСИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ КЎЗГУДИР

Психология инсонларнинг ички дунёси билан боғлиқ фандир. Одамнинг ички кечинмаларини билиш эса жуда мушкул вазифа. Бугунги кунда айнан шу соҳа вакиллари-нинг жамиятимиздаги ўрни кундан кунга ортиб бормоқда. Яқинда мазкур даргоҳда психология йўналишида таҳсил олаётган магистр битирувчиларнинг диссертация химосяси бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртининг профессор ўқитувчилари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари, психологик марказ ходимлари иштирок этиши, битирувчиларнинг нутқларини қизиқиш билан тинглашди ҳамда

зарблиги ҳам бу соҳада амалга оширилаётган вазибалар қўлами кенг эканлигидан далолат беради. Уларда, асосан, бугунги кунда болаларда муаммо бўлаётган аутизм касаллигининг психологик жиҳатлари, инсонларда турли касалликларга қарши руҳий курашлар, хаттоки ҳарбий хизматчиларда юз берадиган депрессия ҳолатлари бўйича бажарилган амалий ишлар ва даволаш усуллари борасида тақлифлар атрофида айтиб ўтилди. Бугунги кунда ҳар бир корхона, ташкилотларда психологлар учун алоҳида иш ўринлари ажратилмоқ-

психологларни ишга тақлиф қилишди. Бу эса битирувчилар учун ҳам қулай имкониятлар эшигини очди, десак муболага бўлмайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур факультетда талабаларга профессор-ўқитувчилар томонидан нафақат назарий билим берилади, балки амалий машғулотлар психологик марказларда олиб борилади. Мазкур йўналишида фаолият олиб боровчи тажрибали психологлар талабалар билан индивидуал ишлаган ҳолда назарий билимларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишади.

Ёшларнинг ўз соҳаси бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишлари, инсон ички олами-ни ўрганиш, руҳиятини даволаш йўллари борасида олиб борилаётган ҳамкорлик бугун ўз самарасини бермоқда. Айнан мазкур даргоҳни тамомлаган ёшлар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фаолият олиб боришлари учун ҳозирда-ноқ меҳнат шартномалари имзоланапти. Жумладан, уларнинг тиббиёт, ички ишлар, мудо-фаа тизимида ишлашлари назарда тутилган.

Дарҳақиқат, олий таълимдаги ишлохотлар, хусусан, битирувчилар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар юрт келажаги бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мутахассисликлари бўйича ишга жойлашларида мустаҳкам замин ҳозирламоқда. Бу эса соҳа тараққиёти, малакали хизмат кўрсатиш, инсонларнинг руҳий соғломлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шахзода НЕГМАТОВА, СамДУ психология ва ижтимоий муносабатлар факультети декани, профессор.

МИБДА НИМА ГАПЛАР?

Адолатли сиёсат юритиш халқ ва давлат ўртасидаги энг муҳим кўприк ҳисобланади. Кўприкнинг мустаҳкам бўлиши эса давлат амалдорларининг қай даражада ўз ишини маъсулият билан бажараётганига боғлиқ. Кунун устувор эканлигини эса ҳар бири-миз унутмаслигимиз лозим.

БАХТЛИ ОИЛАЛАР КЎПАЯВЕРСИН!



Фуқаролик ишлари Жомбой туманлараро судининг қарори асосан қарздор Ж.М.дан ундирувчи Н.В.нинг фойдасига бир нафар фарзандининг таъминоти учун тўртдан бир қисм миқдорда алимент ундириш белгиланган ва суд қарорига асосан ижро ҳужжати Бюронинг Жомбой туман бўлими томонидан ижро иши юритилган.

Мазкур ижро ҳужжати асосан қарздорнинг мол-мулкларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 21,87-моддаларига асосан тегишли ташкилотларга сўровномалар юборилган ва олинган маълумотларга асосан барча мол-мулкларига таъйик қўйилган.

Қарздор Ж.М.нинг алимент қарздорлиги қайта ҳисоб китоб қилинганда анча миқдорни ташкил қилган. Ушбу қарздорликни тўлаш учун қарздор билан ўтказилган профилактик суҳбатлар натижасида қарздор турмуш ўрतोғи билан ярашиб, оиласини тиклаш истаги борлигини билдирди.

Олиб борилган ижро тадбирлари давомида ушбу оила яраштирилиб, ижро ҳужжати Қонуннинг 40-моддаси 1-қисмига асосан тамомланди.

Акмал САИДОВ, Мажбурий ижро бюроси вилот бошқармаси туманлари бўлими давлат ижроچиси.

НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Юртимиз равнаки, халқимизнинг иқтисодий-ижтимоий турмуш даражасини ошириш манфаатларини ўйловчилардан ташқари фақат ўз манфаатини кўзлаб иш юритаётган, бирини ўнга айлантириб, ўзининг моддий бойлигини кўпайтиришга уринаётган, шу мақсадда ҳатто ноқонуний қурилишларга қул уррадгачларнинг ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мен қураман, кимнинг нима иши бор, курсам ўз пулимга қураман дея қонунларни четлаб ўтишга уринувчиларни кўриб-ёққа ушлайсан киши. Ахир бугун қонунни четлаб ўтгани билан эртага ёки индинга сири ошқор бўлиб, қилган сарф-ҳаражатларига қуйиб қолишларини билмайдиларми? Негаки, уларнинг ўзбошимчилик билан қуриб олган бино ёки иншоотлари, ошхона ва овулатлини шаҳобчалари амалдаги қурилиш меъёр талабларига мут-




рига қуйиб қолишларини билмайдиларми? Негаки, уларнинг ўзбошимчилик билан қуриб олган бино ёки иншоотлари, ошхона ва овулатлини шаҳобчалари амалдаги қурилиш меъёр талабларига мут-

Бугунги кунда аҳолимизнинг гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, ички бозорларда озик-овқат маҳсулотларининг нарх-навосини барқарор сақлаш мақсадида ҳукуратимиз томонидан чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига ишлаб чиқарилган ҳар бир кило гўшт ва ҳар бир литр сўт маҳсулоти учун қатор субсидиялар, олиб келинган насли қорамоллар бош сонига қараб маълум миқдорда пул маблағлари ажратилиб келинаёпти. Бу эса ўз-ўзидан соҳани янада қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

2017 йилда Жомбой туманининг "Кўкғумбаз" маҳалласи ҳудудига Германия ва Голландия давлатларидан 1100 бош "Голштейн" зотли қорамоллар олиб келиниб, "Пюри Милки Продукт" фермер хўжалиги ташкил қилинди. Дастлаб қарийб 14 гектар майдонда жохон стандартларига тўла жавоб берадиган чорвачилик комплекси қурилиб фойдаланишга топширилди. Орадан тўрт йил вақт ўтиб фермада насли қорамоллар сони 2030 бошга кўпайтирилган бўлса, шунинг 1100 таси соғин сигирлар ҳисобланади. Чорвачилик фермасида бир кунда 35 тонна сўт соғиб олинди ва қайта ишлаш корхонасига юборилиб, ундан саксон турдаги сўт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Асосий шу ерда

яшовчи маҳаллий аҳолининг 58 нафари доимий иш билан банд. Ушбу чорвачиликка ихтисослашган фермадаги қорамолларнинг озука базасини яратиш учун ҳам 660 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, бир йилда ўртача 20 000 тоннага озук базаси захира қилинади. Насли қорамолларини кунлик озуксизда 12 турдаги рационлар бўлиши шарт. Кейинги йилларда Булунгур туманида ҳам чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари сони бир мунча ошди. Биргина жорий йилда ушбу йўналишда бешта йирик лойиҳа ишга тушиш арафасида. Тумандаги "Мустафақул полвон даласи" фермер хўжалиги ҳам 2017 йилда ташкил




қилинган бўлиб, 94 бош насли қорамоллар боқиб келинаёпти. Умуман, бугунги кунда Самарқанд вилоти бўйича насли қорамоллар сонини ошириш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Натижда вилотда сўт ва гўшт ишлаб чиқариш ўтган йилларга нисбатан бир мунчага ошганлигини кўриш мумкин.

Ўз мухбиримиз.

"Худудга Самарқанд" газ таъминоти филиалининг барча туман ва шаҳарга таъминоти бўлими томонидан тасдиқланган жадваллар ва тарифлар бўйича табиий газ истеъмолчиларининг ички газ тармоқлари ҳамда газ ускуналарига профилактик хизматлар кўрсатилмоқда.

ТАБИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА?



Хусусан, "Past Darg'omtungaz" газ таъминоти бўлими тумандаги 23 минг 264 та табиий, 39 минг 114 та суёлтирилган газ истеъмолчиларига хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг 6 ойи давомида сервис хизмати чилангарлари томонидан тумандаги 12 минг 240 та табиий ва 9 минг 564 та суёлтирилган газ истеъмолчиларининг жами 21 минг 804 та газ ва иситиш ускуналарига техник хизматлар кўрсатилган.

Айни пайтда чилангарлар томонидан бир кунда 150-180 та аҳоли хонадонларидаги газ ускуналарига техник хизматлар кўрсатилмоқда. Айрим истеъмолчилар "ўзим устаман, ўзим тузатаман", "янги газ плита ўрнатдик кўриқдан ўтказиш шарт эмас" деган баҳоналар қилишади. Чилангарлар истеъмолчиларга, аввало, ушбу техник кўрик ҳар бир хонадоннинг хавфсизлиги учун муҳим эканлиги, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12-январда қабул қилинган "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига кўра, кўп қаватли турар жойлардаги газ плиталар, бошқа газ ускуналари мавжуд бўлмаганда икки йилда бир марта, турар жойлардаги газ плиталари, иситиш, сув иситиш ускуналари эса йилда бир марта ҳамда ҳар бир иситиш мавсуми олдиндан мутахассис кўригидан ўтказиш мажбурий қилиб белгиланганиги ҳақида маълумот беришлари лозим.

Ушбу қарор аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, газ билан боғлиқ турли авариялар ва кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинганлиги хусусида истеъмолчиларга тушунтириш ҳамда қўшимча маълумотлар бериш ишлари олиб борилмоқда.

Муниса НИЗОМОВА.

АЛИМЕНТ УЧУН 100 МИЛЛИОН

Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлари судининг қарори билан фуқаро Ш.А.дан ундирувчи Г.С.нинг бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.



Бу ҳолат бўйича Мажбурий ижро бюроси Қўшрабат туман бўлими томонидан ижро иши юритилган. Анчадан бери фуқаро Ш.А. алимент тўловларини тўламадан келаётган эди. Ҳозирда муҳим даромад бўлмаган, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда Бюронинг шаҳар бўлими ходимлари томонидан тушунтириш ва профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қарздор Ш.А. билан ҳам атрофлича суҳбат ва тушунтириш ишлари ўтказилиб, фарзандларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳар бир отанин бурчи экани ётиги билан тушунтирилди.

Бундай маслаҳат ва суҳбатдан ўзига тўғри хулоса чиқарган қарздор ота шу кунги фарзанди таъминотини ўйлаб, вояга етгунга қадар бўлган қарзи 100 млн. 843 минг сўм пулни тўла берди.

Феруз МАЪДИЕВ, Мажбурий ижро бюроси вилот бошқармаси катта инспектори.

"ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ" КОРХОНАСИ 700 МИЛЛИОН ТЎЛАДИ



Мажбурий ижро бюроси Нарпай туман бўлими иш юритувига иқтисодий судининг қарори билан "Нарпай туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонасидан ундирувчилар - турли масъулияти чекланган жамиятлари фойдасига жами 700 млн. сўм қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган.

Мазкур ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан ижро иши юритишга қўзғатилиб, қарздорга ихтиёрий 15 кунлик муддат берилган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздор томонидан 700 млн. сўм ундирувчиларнинг фойдасига тўла берилди.

Соҳиб ШЕРНАЗАРОВ, Мажбурий ижро бюроси Нарпай туман бўлими давлат ижрочиси.

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДАН ҚАРЗ УНДИРИЛДИ

Мажбурий ижро бюроси Қўшрабат туман бўлими иш юритувига Иштихон туманлари иқтисодий судининг 2021 йил 6-майдаги қарздор "Фозилмон ўрмон хўжалиги"дан ундирувчи Усмиликлар карантинни давлат инспекцияси фойдасига 10 млн. 500 минг сўм қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган.



Мазкур ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан ижро иши юритишга қўзғатилиб, қарздорга ихтиёрий 15 кунлик муддат берилган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздор томонидан 10 млн. 500 минг сўм асосий қарз пуллари ундирувчиларнинг фойдасига тўла берилди ва ижро иши юритишга Қонуннинг 41-моддасига асосан тамомланди.

Наврўз СУЮНОВ, Мажбурий ижро бюроси Қўшрабат туман бўлими давлат ижрочиси.



ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИДАН БИР ШИНГИЛ


Ушбу лойиҳамизнинг шартлари оддий бўлиб, унда сиз мактаб, лицей, коллеж, институт, университет давридаги қизик, унутилмас кунларнингизни, талабалар ҳаёти билан боғлиқ ибратли воқеаларни кичик ҳикоя тарзида ёзишнинг керак бўлади ва тайёр бўлган ижод намуналарингизни @Iroda\_Sirojiddinova телеграм манзилига юборишгиз лозим. Энг яхши деб топилган ибратли ҳикоялар, қизиқарли воқеалар газетамиз саҳифалари ва расмий каналимизда бериб борилади. Унутманг! Сизнинг ижод намунагиз кимнингдир кўнглини кўтариши ёки мотивация бериши мумкин. Куйида талабалар томонидан юборилган ижод намуналарининг энг саралари билан танишинг.



МАҚСАД, МАТОНАТ, НИЯТ

Ҳар қандай юмушни бошлашдан аввал 3 та қоидага амал қилиш керак: ният пок бўлиши; манзил аниқ бўлиши; матонатли бўлиш.

Қарши давлат университетининг академик лицейида таълим олганман. Лицейни тугатиб, олий ўқув юртига топширдим. Биринчи йил ўхшамади. Шунда битта ўғит ёдимга тушди: "тома-тома кўл бўлур". Ўқишга киролмаганимнинг сабаби - мен фақат битта фандан эўр билсам бўлди, деб хато қилган эканман. Тўғри, битта ўрганаётган фаним яхши "мева" берди. Аммо қолганларини "бахорда пайвандламаганим", меҳр бермаганим учун яхши натижа бермади.



"Иқилганим"ни эшитиб, худди эртага имтиҳонни мен учун тақдорлашадими, мен ўқимас керакдек туйилди. Бир гапни айтишим керакки, ниятим сал "нордонрок" эди. Ҳар доим айттардим: "Мен олий ўқув юртига кирсам, Қаршига умуман қайтмайман!". Ўйлаб қоламан, дарахт томир отган жойидан қимирламайди, лекин нега мен... ?! Ушанда қўшиллар орасида роса "далда" бўладигани ҳам топишган эди. "Ҳа, Беҳрузов! ўқиб қалай?" дейишарди. Лекин ичларида: сенинг аждодингдан ўқимишли одам чиққанмидики, сен лицейни тугатиб, ўқимишли бўла олсанг" дегани шундайгина сезилиб турарди. Қайсидир асарда ўқиган эдим: "Инсоннинг дард-у аламини ҳамма тана азвоси яшира олади, лекин кўзлар...". Энди тасаввур қилинг, сизга ҳамдард одамнинг кўзлари чакнаб турса, лекин тили ҳамдардман деб турса. Қизиқ шундайми?

Шундай дамларда яқинларинг энг биринчи сенга ҳамдард бўладиган инсонлар ҳисобланар экан. Акам мен учун энг қимматли бойлик. Акамдан қарзимни айтсам, "олтиндан тарози, олмосдан тош оз". Бир оғиз гаплари жуда қаттиқ таъсир қилган: "Укам, ўқи! Ўзидан ҳам ўқимишли одам чиқсин. Сени ҳам ота-онам бир "стол"нинг эгаси бўлиб, устингда костюм-шим,

дар, йиқилдингми? Секин тур ўрнингдан. Мақсадингдан қайтма. Ўйналишни ўзгартир. Аммо йўналиш доимо ҳалоллик тарафдан бўлсин мақсадингдан..." Ҳа, худди шундай қилдим. Мақсадим ўзгармади. Бунга менинг энг яқин дўстим, лицейдаги курсдошим Аббос сабабчи бўлди. У бир топширишдаёқ ўқишга кирди. Бу бола жуда келажаги порлоқ бола. Ким нима деса десин-у, мен шундай деб ўйлайман. Келажақдан умиди катта, ўзига ишонган, албатта, қолганларини ҳам келажагимиз порлоқ бўлишига ишонтира оладиган бола. Хуллас, шу бола билан ҳаммаси бир ҳафталаб гаплашмадим. Охири "тутилдим". Анча гаплашдик. Инсон худди Ер сайёрасига ўхшайди. Таянч нуқтаси бўлмаса... Ахир Пифагор ҳам "Менга ернинг таянч нуқтасини топиб беринг, ерни ўз ўқидан чиқариб юбораман" деган эди. Аммо Инсоннинг Ердан фарқи инсонда таянч нуқталар кўп. Менинг ҳам таянчларимдан бири, Аббос экан. Шу бола сабаб, дунёқарашим ўзгарди. Мақсадимга эришишга бўлган иштиёқим ошди. Ҳаётда фақат яқинларинг ва ўзинг яқин деб билган инсонларнингиз сўзларига эътибор бериш керак экан. Бошқаларнинг гапи ўйлашгига ҳам арзаймади.

Олий ўқув юртига киролмадим. Бу дегани ҳаммаси тугади дегани эмас. Америкалик бир ёзувчи айтган экан: "Бир

Бир кун телевизорда "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи" дастурини кўриб қолдим. Унда бир аёл "қора кунларга" деб пул ййгади. Бир кунги ўғли машинасини уриб олади, уйига сув тошади, ҳовли

« (Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Умумий лойиҳа қиймати 22 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур корхона цехларига Германия, Туркия, Ҳиндистон, Франция каби ривожланган давлатларнинг ип йиғирув, лаборатория ускуналари келтирилиб ўрнатилди. Албатта, юқори технологик қувватга эга бўлган ушбу ускуналар махсулот сифати ва иш ҳажмининг ошишига хизмат қилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, корхонада тайёрланаётган махсулотларнинг аксарият қисми кластер тизимидаги корхоналарга тайёр хомашё сифатида жўнатилади. Бу эса импортни қисқартириб, экспортга мўлжалланган тайёр махсулот

ЮҚОРИ СИФАТ ҲАР ҚАНДАЙ КОРХОНА ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, ип-калавалар Оқдарё туманида ташкил қилинган "Афросиёб жинс текстил" корхонасига юборилган, у ерда замонавий технологиялар асосида "жинси" матоси тўқилади.

"Мароқанд сифат текстил" корхонасида ишлаб чиқарилаётган ип калаваларнинг 50 фоизи бугун экспортга йўналтирилган. Махсулот Хитой, Туркия, Германияга экспорт қилинди. Бунда экспортёр корхоналар учун давлатимиз томонидан берилаётган кенг имтиёзлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Албатта, махсулот ишлаб чиқаришда асосий мезон бу сифат. Юқори сифат эса ҳар қандай корхона тараққиётини белгилай беради. Шу маънода ушбу корхонада ҳам сифатли махсулот ишлаб чиқаришга устувор вазифа сифатида қаралади. Бунинг учун эса лаборатория замонавий жиҳозлар билан таъминланган. 12 нафар ушбу йўналишда таълим муассасаларини тамомлаган ёш мутахассислар мазкур лабораторияда ипнинг мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, эластиклиги, умуман олганда, сифатига алоҳида эътибор қаратишади.

Албатта, манфаат бўлган жойда ишга ҳам муносабат ўзгармади. Буни пахта тўқимачилик тармоғида кластер тизимининг афзаллиги мисолида яққол кўриш мумкин. Бу эса бошқа соҳалар каби қишлоқ ҳўжалигида қайта ишлашни ва sanoatни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда пахта-тўқимачиликда ишлаб чиқаришнинг замонавий шакли кластер тизимининг жорий этилиши қишлоқ ҳўжалиги соҳасида улкан тараққиётни бошлаб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Лутфулла ШОМУРОВ.

ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШДА ЁШЛАРНИНГ ҲИССАСИ КЎПРОҚ БЎЛИШИ КЕРАК

Ҳар қандай жамиятнинг асосини ёш авлод ташкил этгани каби, юртимиз аҳолисининг ҳам катта қисми ёшлардан иборат. Бу эса, ўз ўрнида, жамият тараққиёти, ҳар томонлама ўсиш ва ривожланишда ҳам айнан ёшларнинг ҳиссаси кўпроқ бўлиши керак деганидир.

Шунинг учун ҳам сўнги йилларда ёшларга катта куч сифатида қаралиб, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш, улар учун керакли бўлган барча шароитларни яратиш, хоҳ у фан-таълим соҳасида бўлсин, хоҳ бизнес ёки хўнарамандчилик, улар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида олиб боришмоқда.



Ёш авлоднинг билимли, интеллектуал салоҳиятли, ўз кучи ва савиясига ишонган, мустақил фикрловчи, эркин шахс сифатида тарбиялаш энг устувор вазифа ҳисобланганлиги учун ҳам уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш керак. Хусусан, ёшларнинг ўзига хос иқтидорларини юзга чиқариш, ўз истеъдодларини намойён этишлари ҳамин яратиш мақсадида махсус мактаблар, таълим муассасалари ташкил этилиб, кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиб боришмоқда. Бу эса, шубҳасиз, йилдан йилга ўзининг ижобий самарасини бериб бораётир. Фикримизнинг исботи сифатида биргина "Ёшлар кўни" доирасида ўтказилаётган тадбирлардан тортиб, унга доир қабул қилинаётган қарорларни келтиришимиз мумкин.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, улар ёшларимизда катта таассуротлар қолдирмоқда, негаки уларнинг барчаси бир мақсад остида бирлашган, у ҳам бўлса жамиятда ёшларнинг ўрнини мустаҳкамлаш ва уларга кўшимча имконият ва энгилликлар яратиш бериш. Бу йил ҳам Юртбошимиз томонидан "Ёшлар кўни"да вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, вазириликлар ва барча ташкилотлар раҳбарларига ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш, иқтидорли ёшларни саралаш, имконияти чекланган ёшларга қулайликлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга имтиёзли шартларда 7 йил муддатга, Марказий банкнинг асосий ставкаси, яъни жорий йилда 14 фоиз ставкада таълим кредитлари ажратилади. "Темир дафтар"даги оилаларнинг фарзандларига олийгоҳдаги ўқишнинг биринчи йили учун контрактни давлат бюджетидан тўлаб бериш тартиби жорий этилади.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг "Ёшлар кўни"даги ёшларга қарата йўллаган муурожаатидаги айрим сўзларини келтириб

Яъни мактаб ўқувчилари дарслардан бўш вақтларида уста-хўнарамандларга шоғирд бўлиб қўшимча хўнара ўрганиб, ўз оилавий бюджетига ҳам жамият тараққиётига ҳам ўзларининг кичик бўлса-да ҳиссаларини қўшишса, нур устига аъло нур бўлади. Бундан ташқари, ёшларни олий таълимга қараш даражасини ошириш, шартнома асосида ОТМга қабул қилинган, таълим олишга хоҳиши бор, аммо молиявий томондан имконияти бўлмаган билимли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга имтиёзли шартларда 7 йил муддатга, Марказий банкнинг асосий ставкаси, яъни жорий йилда 14 фоиз ставкада таълим кредитлари ажратилади. "Темир дафтар"даги оилаларнинг фарзандларига олийгоҳдаги ўқишнинг биринчи йили учун контрактни давлат бюджетидан тўлаб бериш тартиби жорий этилади.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг "Ёшлар кўни"даги ёшларга қарата йўллаган муурожаатидаги айрим сўзларини келтириб

ЁШ АВОЛДАГА НАМУНА БЎЛАЙЛИК

Шу йилги ёш фақли жуда иссиқ келди. Ҳаво ҳарорати кескин даражада иссиқ кетди. Ҳавонинг иссиқ бўлиши ҳаёл суришга тўсқинлик қила олмайди. Бир кунги 3 ёшли жиянчам билан ўйнаб ўтирган эдим, унинг китоб varaқлаши, янги нарсаларни ўрганишга бўлган иштиёқини кўриб бир воқеа ёдимга тушди.

Баҳор кунларининг бирида тоза ҳавода китоб ўқимоқчи бўлиб, Регистон майдонининг бир чеккасидаги ўриндикда китоб ўқишга қарор қилдим. Белгиланган жойимга келдим ва мутоала қилишга киришиб кетдим ("Дафтар хошиясидаги биткилар" асарини ўқийётгандим). Китоб ўқишга шунчалик берилиб кетган эдимки, ёнимга бир ёш эр-у хотин келиб ўтириганини ҳам сезмай қолибман. Шунда улар менга бир неча саволлар бера бошлашди. Қаерда ўқишимни, ҳозирги интернет ривожланган пайтга қандай қилиб китоб ўқишга қизиқиб қолганимни ва яна шунга ўхшаш бир қанча саволлар беришди, натижада саволлари суҳбатга айланиб кетди. Мен ҳам эринмасдан саволларига жавоб бердим. У кишилар талаба қизга хаваслари келиб, насиб қилса, туғилажак фарзандларини китобларга қизиқтириб тарбиялашларини ва фарзандларини ҳам мендек китобга ошно талаба бўлишини ният қилишди. Менда ўша вақтда қандайдир



ота-онамга нисбатан меҳр яна кучайгандек бўлди, негаки уйдағиларим ҳам мени китобга меҳр уйғотиб тарбиялашган. Шу тарбияларининг меваси ўлароқ ўқишга кирдим. Ва яна кимнингдир ўқишга бўлган қизиқиши ошишига турки бўлганимдан жуда хурсанд эдим. Ота-онамга ўша куннинг ўзидаёқ менга берган тарбияларини учун раҳматлар айтдим.

Мен бу гапларим билан интернет тармоқлари мутлақо ёмон демоқчи эмасман. Аммо интернетдан кўп фодаланиш соғлигимиз учун зарарли. Китобни ушлаб мутоала қилишнинг эса гаши ўзгача. Ҳеч қандай интернет тармоғи китоб ўқишнинг ўрнини боса олмайди.

Рўзиҳол АБДУРАНИЕВА, Самарқанд давлат чет тиллар институти 2-босқич талабаси.

Хориждан гапирамиз

Францияда тезюзар шаффоф поезд

Франциялик дизайнер Тьерри Гоген 350 миллион доллар турадиган янги хусусий поезд концепциясини эълон қилди. Лойиҳа сотувга тайёрланмоқда ва Гогеннинг поездини концептуаллаштириш борасидаги биринчи уриниши ҳисобланади.



Маълум қилинишича, таркибининг узунлиги 400 метр бўлиб, тўлиқ шишадан ишланган 14 вагондан ташкил топади. Зарурат туғилганида транспорт воситаси шаффофдан тўлиқ ношаффоф ҳолатга ҳам ўта олади.

Поезд 18 нафар йўловчи учун мўлжалланган. Таклиф этиладиган хизматлар орасидан кўпжаб хоналар, ошхона, ётоқхона, дам олиш зоналари, террасалар, шунингдек, жонли ўсимликлардан иборат бог ўрин олган таркиб соатига 160 километр тезликда ҳаракатланишга қодир.

"Ақлли" футболка сиз ҳақингизда маълумот беради

ZTE компанияси YouCare деб номланган футболкани намоиш этди. У инсон организмдаги муҳим биологик жараёнларни қайд этади ва 5G тармоғи орқали узатади.




Футболка нафас олиш жараёнини таҳлил қилади, электрокардиограмма қилади, тер ажралиши ва мушаклар фаоллигини қайд этади.

Маълумот берилишича, YouCare текстилдан тайёрланган ва уни ювиш мумкин. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, унга полимердан тайёрланган узаткичлар ўрнатилган. Олинган маълумот рақамли шаклга ўтказилади ва смартфон ёки ақли соатга узатилади.

Samsung 6G технологиясини тақдим этиши мумкин

Samsung Advanced Communications Research Center бўлинимаси 2019 йилда 6G тармоғини ишлаб чиқиш устида иш бошлаганди. Компания ўтган йили 6G стандарти ҳужжатларини эълон қилди.



Тахминларга кўра, янги технологияни жорий этиш 2028 йилдан кейин бошланади. Тармоқлар сониясига 1 Тбитгача маълумотларни узатиш имкониятига эга бўлади. 6G тармоғи маълумотларни 5G тармоғига нисбатан 50 баравар тезроқ узатади.

Оғриқни дориларсиз бартараф этувчи қурим

Нью-Йорк университети тадқиқотчилари сурункали оғриқларни дориларсиз ҳал этиш технологиясини яратди. Гап оғриқни бир зумда қолдирадиган мияга ўрнатилувчи имплант ҳақида кетмоқда.




Технология Неуралинк компанияси томонидан яратилган. Шу орқали олимлар тутқаноқ, нейродегенератив касалликлар, шол ва бошқа кўпжаб оғриқларга барҳам бериш режалаштирмоқда. Аммо янги имплант - миянинг икки соҳасини бириктирувчи ўзига хос "нейрон кўприк" ҳисобланади.

"Улар оғриқ мавжуд деган электр сигнални аниқлаганда автоматик равишда оғриқ сигнални босувчи нейронларни рағбатлантирадиган ёруғлик нурларини ишга туширади. Шу билан бирга, имплант фақат оғриқ юзга келганда фаоллашади ва мияда одатий ҳолатда ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди", - дейди муаллифлар.

Таъкидлашишича, имплант реал вақт режимида механик, сурункали, яллиғланиш ва невропатик оғриқларга қарши анча самарали.

Беш дақиқада 100 фоз қувватлантирувчи технология

Cambridge университети олимлари янги технологияни ўйлаб топшиди - уни қўллаб смартфон аккумуляторини сақоқли дақиқаларда 0 дан 100 фозгача қувватлаш мумкин.



Аниқроқ айтганда, смартфон аккумулятори тўлиши учун 5 дақиқа етарли. Қолаверса, олимлар фикрларига кўра, уларнинг янги технологияси жуда арзон, хавфсизлик даражаси эса юқори. Хусусан, қувватлаш жараёнида қизиқ кетилмаган асраб, аккумулятор умрини сақлаб қолади.

"Учадиган" смартфон янги гача тасвирда

Vivo компанияси дрон каби учиб, фото ва видео суратга олишга қодир смартфоннинг тасвирлари билан бўлишиди. Йиғилган ҳолатда дрон смартфон ичига яширинган.



Зарурат туғилганида уни Samsung Galaxy Note ларини S Pen электрон қалами каби чиқариб олиш мумкин. Дронда камера мавжуд. Фойдаланувчи қурилманинг парвози вақтида уни бошқариши, турли баланкликларда кадрларни олиш мумкин.

Дронлар ҳам худди смартфонлар каби ингичка ва унча камида иккита камера ўрнатилиши режалаштирилётгани боис унинг ичида қўшимча батарея учун етарлича жой бўлиши керак. Шундай қилиб, ичида дрони бор смартфон анча қалинлашган ва оғирлашган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Navigation and contact information for INTELLEKT magazine, including address, phone number, and website.